



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 9 » avgust

№ 505

Toshkent sh.

Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4901-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4901-сон қарорига мувофиқ Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тегишлича Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликлари ташкил этилсин.

2. Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиklarининг ер майдонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликлари фаолиятини молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тўғрисидаги низом талаблари асосида давлат ўрмон хўжаликлари учун белгиланган шартларга асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиklarига ер майдонлари ажратишга доир ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ҳамда ер-кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “9” августдаги 505-сон қарорига
илова

**Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тегишлича Ғаллаорол, Когон ва Ургут ихтисослаштирилган
давлат ўрмон хўжалиқларининг ер майдонлари**

гектарда

Т/р	Ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиқлари номи	Умумий ер майдони	шундан							
			Экин ерлар	шундан		Кўп йиллик дов-дарахтлар	Яйловлар	Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар	Ўрмон- зорлар	Қишлоқ хўжалигида фойдаланил- майдиган бошқа ерлар
				суғорила- диган	лалмикор					
1	Ғаллаорол	37870	99	35	64	3	36193	11	1174	390
2	Ургут	10577				18	4227		2093	4239
3	Когон	1000					970			30

